



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 28-may, shanba,
61 (23.628)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Ёлгоннинг
ёмонлиги
бу ёлгонни
эшитаетган киши
сезмаяпти, деб
уйлашидир

1913-yil aprel oyidan chiqqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Ахборот ва ҳисоботлар танқидий муҳокама қилинди

**27 май куни халқ депутатлари
вилоят Кенгашининг олтинчи тўр-
тинчи сессияси бўлиб ўтди.
Сессияни Кенгаш котибияти му-
дири З.Каримов бошқарди.**

Ижтимоий тармоқлар орқали онлайн на-
мойиш этилган бу галги сессияда ҳам вилоят
ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ
муҳим масалалар муҳокама қилинди. Турли
соҳа ва тармоқлар раҳбарларининг ахборот
ва ҳисоботлари эшитилди.

Хусусан, **вилоят соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзов**-
нинг вилоятда тез тиббий ва шошилишч ёр-
дам хизмати фаолиятини самарали ташкил
этиш борасида амалга оширилган ишлар
ва келгусидаги чора-тадбирлар юзасидан
ахбороти эшитилиб, ҳудудий дастур тас-
диқланди.

Дастурда вилоятда тез тиббий ёрдам
кўрсатиш сифатини ошириш, тизим мод-
дий-техника базасини мустаҳкамлаш, юқори
малакали ҳодимлар билан таъминлаш бўйи-
ча вазифалар белгиланган.

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари –
инвестициялар ва ташқи савдо бош-
қармаси бошлиғи О.Мирзабеков**нинг
вилоятда инвестиция соҳасида янги иш
ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини
таъминлаш борасида олиб борилаёт-
ган ишлар тўғрисидаги ҳисоботида қайд
этилишича, жорий йилда вилоятда давлат
ва ҳудудий инвестиция дастурлари доира-
сида 787 та инвестиция лойиҳасини ишга
тушириш ҳисобига 19428 та янги иш ўрни
яратиш режалаштирилган. Йилнинг бирин-
чи чорагида умумий қиймати 204 миллиард
сўмлик 89 та лойиҳа ишга туширилиб, 617
та янги иш ўрни яратилган.

– Инвестиция соҳасида янги иш ўрин-
ларини яратиш бўйича амалга оширил-
ган ишлар билан бир қаторда муаммо ва
камчиликлар ҳам мавжуд, – деди О.Мирза-
беков. – Аксарият ҳолларда инфратузилма
объектларининг ўз вақтида ташкил этил-
маслиги оқибатида инвестиция лойиҳалари
белгиланган муддатда ишга туширилмаяпти.
Масалан, Пайариқ, Паст Дарғом ва Ургут
туманларидаги кичик саноат зоналари-
ни табиий газ ва электр энергияси билан
таъминлаш ишлари бугунги кунга қадар
бажарилмаганлиги сабабли ушбу кичик са-
ноат зоналарида яратилиши кўзда тутилган
455 тага яқин иш ўрни яратилмаяпти. Худди
шундай, “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик
зоналари”да муҳандислик-коммуникация
ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси
яратиб берилмаганлиги натижасида ушбу
ҳудудларда инвестиция лойиҳалари бош-
ланмасдан қолмоқда.

Сессияда давлатимиз раҳбарининг
2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон
Республикасининг ижтимоий ва ишлаб
чиқариш инфратузилмасини ривожланти-
риш дастури ҳамда бошқа давлат дастур-
лари ижроси устидан назоратни кучай-
тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарорининг вилоят учинчи
секторидagi ижроси юзасидан **ички
ишлар бошқармаси бошлиғи Р.Мама-
тов** ҳисобот берди.

– Президент қарорига кўра, 2022 йил да-
вомида вилоят учинчи сектори ҳудудида 53
та объектни қуриш, реконструкция қилиш ва
мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борили-
ши белгиланган, – деди Р.Маматов. – Ушбу
объектларни қуриш учун 273 миллиард
627 миллион сўм маблағ ажратилиши кўзда
тутилган. Объектларда ишнинг бориши ўр-
ганилганда, қурилиш ишларида буюртмачи-
нинг техник назорати ҳамда лойиҳачининг
муаллифлик назорати қониқарсиз аҳволда
эканлиги, натижада объектларда қурилиш
ишлари сифатсиз бажарилгани аниқланди.
Масалан, Паст Дарғом туманида 23-умумий
ўрта таълим мактабини мукаммал таъмир-
лаш, Самарқанд туманидаги 27-умумий ўрта
таълим мактабини реконструкция қилиш
ишларида кўллаб қамчиликлар аниқланди.
Бу каби ҳолатлар Нуробод ва Ургут туман-
ларидаги мактаблар қурилишида ҳам кузати-
лди.

Депутатлар қурилиш ишларининг си-
фатсиз бажарилаётгани ва айрим қурилиш

ташкilotларидаги эътиборсизлик, назо-
ратсизлик ушбу ҳафтада вилоят ҳокимлиги
аппарат йиғилишида ҳам танқидий муҳока-
ма этилганини таъкидлаб, мазкур ҳолатлар
юзасидан қурилишга масъул ва назоратчи
ташкilotлар раҳбарларидан изоҳ сўради-
лар. Бу борада назоратни кучайтириш ва
депутатлар ёрдамида фойдаланиш зарур-
лиги қайд этилди. Шунингдек, “Шаффоф
қурилиш” миллий ахборот тизимидаги элек-
трон тендер савдоларига ёлгон маълумотлар
киритиб, ғолиб бўлган қурилиш ташкilotла-
ри фаолиятини ўрганиш бўйича вазифалар
белгиланди.

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси
бошлиғи А.Инағомов**нинг солиқ йиғилув-
чанлиги, маҳаллий бюджет прогноз кўр-
саткичларининг бажарилиши, Самарқанд
шаҳри, Ургут ва Иштихон туманлари, Жума
ва Челақ шаҳарчаларидаги савдо ва хизмат
кўрсатиш шохобчалари, савдо марказлари-
да ноконуний фаолият кўрсатиш, солиқдан
қочиш ҳолатларининг олдини олиш бораси-
даги ишлар юзасидан ҳисоботи ҳам қизгин
муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, биринчи чорак учун
бюджет даромадларига 931,6 миллиард
сўмлик тушум таъминланиб, прогноз кўр-
саткичи 108,7 миллиард сўм ортиғи билан
бажарилган. Вилоят маҳаллий бюджети
даромадларига прогноз кўрсаткичидан 87,1
миллиард сўм ортиқ, яъни 790,7 миллиард
сўмлик тушум таъминланган.

Аммо яширин иқтисодиётни қисқар-
тириш ва бюджет даромадларини ошириш
мақсадида ўтказилган камерал солиқ тек-
шувлари ҳисобига 98,9 миллиард сўм
манбалар аниқланиб, бюджетга ўндирил-
ди. Жумладан, 244 та қурилиш корхо-
наси 2 триллион 127 миллиард сўмлик
бажарилган ишлар ҳажмини ҳисоботларга
киритмагани қайд этилиб, 22,3 миллиард
сўм миқдорида қўшимча солиқлар ҳисоб-
ланди.

Шунингдек, ўрганилган ҳудудлардаги
бозорлар ва савдо комплексларида ҳам
солиқ қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ
ҳолатлар аниқланиб, камчиликлар бартараф
этилди.

Сессияда ушбу йўналишда депутатлар
томонидан вилоят ҳудудидаги савдо ва хиз-
мат кўрсатиш объектларида олиб бориладиган
ўрганишлар ҳақидаги видеолавҳа намойиш
этилиб, қайд этилган камчиликлар юзасидан
солиқ органлари олдига аниқ вазифалар
қўйилди.

Кун тартибидagi навбатдаги маса-
ла – ажратилган кредит маблағларининг
мақсадли ишлатилиши устидан олиб
борилаётган доимий назорат тадбирлари
юзасидан **Марказий банкнинг вилоят
бош бошқармаси раҳбари О.Азимов**
ахборот берди.

Қайд этилишича, бош бошқарма томони-
дан Паст Дарғом ва Нуробод туманларида
танлов асосида 2690 миқдорга ажратилган
84,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредит-
лар мониторинг қилинганда Паст Дарғом
туманида 6 миллиард 510 миллион сўмлик
266 та ҳамда Нуробод туманида 540 милли-
он сўмлик 25 та имтиёзли кредит мақсадсиз
сарфланганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар банклар, ҳокимлик-
лар, таъминотчи ва миқозлар иштирокида
муҳокама этилиб, зарур чоралар кўрилган.
Аммо шунга қарамай, бошқа ҳудудларда ҳам
имтиёзли кредитлардан мақсадсиз фойда-
ланиш, кредитни ўз вақтида қайтармаслик
ҳолатлари кўп кузатишмоқда. О.Азимов
бу борада депутатлар ва жамоатчиликдан
ёрдам сўради.

Депутатлар **вилоят транспорт бош-
қармаси бошлиғи И.Ҳамроев**нинг
вилоятда транспорт хизматларини ри-
вожлантириш бўйича амалга оширилган
ишлар ҳамда белгиланадиган вазифа-
лар тўғрисида ҳисоботини ҳам танқидий
муҳокама қилди. Бугунги кунда вилоятда
транспорт хизмати кўрсатиш, жумладан,
жамоат транспортида кўллаб муаммолар
борлиғи таъкидланиб, раҳбардан изоҳ
сўралди.

Сессияда Кенгаш ваколатига доир бошқа
масалалар ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар
қабул қилинди.

**Вилоятимиз туман ва
шаҳарларида шу шиор
остидаги ёшлар фести-
валлари ўтказилмоқда.**

– Ёшлар куни олдидан таш-
кил этилаётган мазкур тадбирлар
ийигит-қизларнинг бўш вақтини
мазмунли ўтказиш, уларнинг ма-
даният, санъат, спорт ва бадий
ижод йўналишларида иқтидорини
рўёбга чиқариш, ёшлар ўртасида
жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик-
ларнинг олдини олишга қаратил-
ган, – дейди ёшлар ишлари агент-
лиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Ҳ.Тўхтаев. – Шунингдек, ижтимоий
кўмакка муҳтож ёшларга алоҳида
эътибор кўрсатилади. Уларни ишга
жойлаштириш, доимий даромад
манбаига эга бўлишига кўмакла-
шиш кўзда тутилган.

Паст Дарғом туманида ўтка-
зилган фестиваль “Соғлом ҳаёт
учун 5000 қадам” юриш марафони
билан бошланди.

Шундан сўнг туман маркази-
даги “Янги Ўзбекистон” майдон-
ида, бог ва хибонлар, таълим
муассасаларида спорт мусобақа-
лари, миллий халқ ўйинлари,
санъат, мусиқа, рақс, китобхон-
лик кўрик-танловлари, “Заковат”
интеллектуал ўйини ўтказилди.

“Бир нурунийга ўн нафар ёш”
акцияси доирасида нурунийлар ва
ёшлар учрашуви ташкил этилди.
Пастдарғомлик фахрийлар ўзла-
рининг ҳаёт йўли ҳақида гапириб,
ёшларни бугун яратилган имкони-
ятлардан самарали фойдаланишга
даъват этдилар.

Миллий ҳунармандчилик маҳ-
сулотлари, ҳарбий техникалар
намоиши ёшлар учун унутилмас
таассуротларга бой бўлди.

Фестивалда вилоят ҳокими



Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!

Эркинжон Турдимов ва вилоят
сектор раҳбарлари иштирок этиб,
тадбир қатнашчиларини табри-
клади.

– Ушбу фестиваль доирасидаги
тадбирлар бир туман мисолида
юртимизда ёшлар таълим-тарбия-
си, келажагига қандай эътибор
кўрсатилаётганининг ифодасидир,
– деди Э.Турдимов. – 30 июнга-
ча барча туман ва шаҳарларда

шундай тадбирлар ташкил этиб,
сизлар билан яқиндан мулоқот
қиламиз. Паст Дарғомда спортчи-
лар, чемпионлар ва турли танлов-
лар ғолиблари кўп. Биз ишонамиз,
бундан буён ҳам бу анъана давом
этади.

Тадбирда “Энг фаол ёшлар
етақчиси”, “Энг фаол ҳамкорлик
қилган ҳоким ёрдамчиси”, “Энг
зукко китобхон оила” ва бошқа

номинациялар бўйича ғолиблар
ташкilotчилар томонидан рағбат-
лантирилди.

Тадбирлар якунида самарқанд-
лик ва пойтахтдан келган таниқли
хонандалар иштирокидаги гала
концерт намойиш этилди.

Кеча Пайариқ туманида ҳам
ёшлар фестивали юксак савияда
ўтказилди.

Ф.РЎЗИБОВЕВ.

Самарқандда яна бир туризм кўчаси очилади

**Вилоят ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бош-
қармаси бошлиғи Рустам Қобилов иштирокида матбуот анжу-
мани ўтказилди.**



Матбуот анжуманида янги туризм
йўналишлари ва маҳсулотларини
тақдим қилиш, вилоятга келаётган
хорижий туристлар сонини ошириш
борасида олиб борилаётган ишлар
ҳамда тўқсиз туризм инфратузил-
масини кенг жорий қилиш юзасидан
амалга оширилаётган ишлар ва
келгуси режалар юзасидан маълумот
берилди.

Ҳўш, туризм соҳасида вилоятдаги
энг муҳим ўзгаришлар нималардан
иборат?

– Самарқандга сайёҳлар ташри-
фи нафақат сон жиҳатидан, балки
сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб,
уларнинг ҳудудда қолиш вақти 2,6
кунга етди, – деди Р.Қобилов. –
Сайёҳларнинг кунлик харajatлари
эса 120 АҚШ долларидан 152 АҚШ
долларига ўсди. Келгусида сай-
ёҳларнинг вилоятда қолишини яна
бир кунга узайтириш орқали туризм
хизматлари экспортини йилига 14
миллион АҚШ долларига кўпайтири-
шимиз мумкин. Шу мақсадда жорий
йилда 62 та янги туризм йўнали-
шлари ташкил этилади. Айни пайтда
Нуробод, Қўшрабoт, Ургут, Са-
марқанд туманларида йўлга қўйил-
ган экотуризм, қишлоқ, агро, саноат
туризми йўналишлари туристлар-
нинг 20 фоизини қамраб олган.

Ургут туманидаги Терсақ қишлоғи,
Пайариқ туманидаги Чоштепа, Нуро-
бод туманидаги Оксой, Каттақўрғон
туманидаги Андоқсой ва Қўшрабoт
туманидаги Пангат қишлоқларини ту-
ризм қишлоғига айлантириш ишлари
олиб боришмоқда.

Шунингдек, экстремал туризм
ёки сафари туризми йўналишида
бешта янги йўналиш ташкил этил-
ди. Жумладан, Амир Темир ғориға-
ча бўлган 22 километр масофада
“Самарқанд-Тарағай” йўналиши, 80
километрлик “Самарқанд-Омонқўтан-
Китоб-Аяқчисой” йўналиши, денгиз
сатҳидан 2239 метр баландликда
бўлган “Самарқанд-Оҳалик-Кенг-
қўтан” йўналишида экстремал туриз-
мининг альпинизм, тоғ бўйлаб пиёда
юриш, велосипедда ҳаракатланиш
ҳамда спелио туризм йўналишлари
йўлга қўйилди.

Дарвоқе, 1 июнь куни Самар-
қанд шаҳридаги Алишер Навоий
кўчасини санъат ва туризм кўчаси
сифатида фойдаланишга топи-
риш, 15 июнь куни Каттақўрғон сув
омбори ҳудудида чўмилиш ҳавза-
лари очилиши, август ойи бошла-
рида эса “Абадий шаҳар” туристик
маркази фаолият бошлаши режа-
лаштирилган.

Гулрўх МЎМИНОВА.

**Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат-
ламларини, жумладан, кам таъминланган бо-
лалар оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда
давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, улар-
нинг моддий фаровонлик даражасини оши-
риш, кекса авлод вакиллари манфаатлари
ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек,
инсонларварлик, меҳр-оқибат, саховат тад-
бирларини изчил давом эттириш мақсадида
25 май куни давлатимиз раҳбари томонидан
“Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли
қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш-
га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-
ги қарор қабул қилинди.**

444 МИНГ ФУҚАРО БИР МАРТАЛИК ЁРДАМ ПУЛИ ОЛАДИ

Қарорда ижтимоий ҳи-
мояга муҳтож аҳоли қатла-
мига икки ҳафта муддатда
давлат бюджети ҳисобидан
бир марталиқ моддий ёрдам
кўрсатиш белгиланди.

Ҳужжатга кўра, маса-
лан, 800 минг сўм миқдори-
да ёшга доир пенсия олиб
турган фуқарога 300 минг
сўм бир марталиқ моддий
ёрдам пули берилади. Шу-
нингдек, 18 ёшгача ноғи-
рон боласига болалиқдан
ноғиронлик нафақаси олиб
туриб, бундан ташқари, ўз-
галар парваришига муҳтож
ноғиронлиги бўлган 18 ёш-
гача болалар парваришлас
нафақаси олувчи аёлга ҳар
бир нафақа тоифаси учун
300 минг сўмдан, жами 600
минг сўм бир марталиқ мод-
дий ёрдам ажратилади. Ёки
3 нафар боласига боқувчи-
сини йўқотганлик пенсия-
си олувчи фуқарога ҳар
бир боласи учун 300 минг
сўмдан, жами 900 минг сўм
бир марталиқ моддий ёрдам
кўрсатилади.

Шу билан бирга, “Ижти-
мий ҳимоя ягона реестри”

ахборот тизими орқали кам
таъминланган сифатида
моддий ёрдам олувчи ои-
лаларга ҳамда кам таъмин-
ланган сифатида болалар
нафақаси олувчи оилалар-
нинг 18 ёшга тўлмаган ҳар
бир боласига 200 минг сўм-
дан бир марталиқ моддий
ёрдам берилади.

Қарор ижросини ўз
вақтида таъминлаш мақса-
дида вилоят бўйича ушбу
моддий ёрдам пулларини
олувчи 443 минг 880 нафар
фуқаронинг рўйхати ва
тўлов қайдномалари шакл-
лантирилди ҳамда “Халқ
банки” орқали тўлаб бе-
рилиши учун юборилди.
Пенсия ва нафақасини банк
картаси орқали олувчи ушбу
тоифадаги фуқароларга эса
бир марталиқ моддий ёрдам
пуллари картасига тушириб
беришмоқда.

**Абдурашид РАҲИМОВ,
Молия вазирлиги
ҳузуридаги бюджетдан
ташқари пенсия
жамағатаси вилоят
бошқармаси шўъба
раҳбари.**

Кун сайин одамлар ўзгаряпти, уларнинг қарашлари ва қизиқишлари ҳам бугун бошқача кўриниш олмақда. Буни тушуниб, ҳис қилган масъуллар, мансабдорлар бошқа услубда иш олиб бормоқда. Шу жумладан, вакиллик органи аъзолари – депутатлар ҳам натижа учун ҳаракат қилишга, фаолия- тидан одамлар рози бўлишига эътибор қаратмоқда.

Вакиллик органлари фаолиятида ўзгариш бор

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан йилнинг тўрт ойи давомида 155 та сессия ўтказилган. Уларда 1394 та масала кўрилиб, жумладан, 605 масала бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилган. Бундан ташқари, 157 нафар мансабдор ахборот берган, депутатларнинг 34 та назорат-таҳлил тадбирлари юзасидан қарорлар қабул қилинган.

МУТАСАДДИЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Сессияларда ижро ҳо- кимияти органлари раҳ- барларига нисбатан чора кўришга оид 12 та қарор қабул қилинган. Мисол учун, Жомбой ва Паст Дарғом туманларида 1 нафардан, Иштихон туманида 3 нафар, Оқдарё туманида 4 мутаса- дилик нисбатан интизомий чора кўриш бўйича юқори органларга тақлифлар ки- ритилган. Пахтачи туманида депутатлар 2 та интизомий чора кўриш ва 1 та раҳбар- ни лавозимидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилган. Албатта, депутат халқ ноиби, у белгиланган тар- тибда сайловчилари билан учрашиб туриши, уларнинг дарду ўйлари билан қизиқи- ши зарур. Бу борада самарқандлик депутатлар бирмунча фаол- лигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида вилоят ва

маҳаллий Кенгашлар депу- татлари томонидан 1200 дан ортиқ аҳоли билан мулоқот- лар ташкил қилинган. Таби- йики, учрашувлар давомида 2 мингга яқин муаммолар ўртага ташланган. Таҳлилларга кўра, қайд қилинган муаммоларнинг 1697 таси ҳал этилиб, қолганлари бўйича тегишли ишлар амалга ошириляпти. Айрим масалалар бор- ки, уларнинг туб моҳиятига етиш, аниқроғи, атрофлича ўрганиш талаб этилади. Са- вол туғилиши табиий: хўш, бундай ҳолатларда қандай йўл тутилади?

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА МУНОСАБАТ ҚАНДАЙ?

Амалдаги тартибга кўра, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимия- ти ва бошқаруви органлари- нинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юза- сидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўро- ви юборишга ҳақли. Шунингдек, муайян му- аммо, одамларни ўйлантира- ётган ва ечимини қутаётган масала юзасидан мутасад- дилардан маълумот олиш ваколатига эга. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари томонидан тўрт ойда 1058 та депутат сўрови юборилган. Мутасаддиларга киритилган депутат сўровларидан 793

таси ўз муддатида кўриб чиқилиб, тегишли жавоб хатлари берилган. Афсуски, 104 та депутат сўровига муддатидан кечикиб жавоб қайтарилган бўлса, 84 таси бажарилмаган.

ИККИ НАФАР ДЕПУТАТ ЧАҚИРИБ ОЛИНГАН

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан 13 нафар депутатнинг ваколати муддатидан олдин тугатил- ди. Хусусан, вилоят Кенгаши депутатларидан 2 нафар, Самарқанд шаҳри, Булунғур, Самарқанд, Ургут, Кат- тақўрғон, Оқдарё, Иштихон, Нарпай ва Пахтачи туманла- рида 1 нафардан, Нуробод туманида 2 нафар депутат ўз ихтиёрига кўра ваколати- ни топтирган.

Қонунчиликка кўра, қонунчиликни, одоби- нинг умумэтироф этилган нормаларини қўлол ра- вишда бузган, шунингдек, ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаган депутат бел- гиланган тартибда қақириб олиниши мумкин. Ўтган тўрт ой давомида Самарқанд туманида 1 нафар, Нарпай туманида 1 нафар депутат чақириб олинган. Самарқанд туманида суд ҳукми билан депутатнинг фаолияти тўх- татилган.

Зафар КАРИМОВ,
халқ депутатлари ви-
лоят Кенгаши котибияти
мудир.

ХДП вазифаларни белгилаб олди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда партия дастурининг ижроси ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясини амалга оширишда ХДПнинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Б.Насриев партиянинг дастурий устувор йўналишларини амалга оши- риш борасидаги фаолияти ҳамда 2022 йил учун ҳамда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган вазифалар юзасидан ҳисобот берди. Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга ошириб

келинаётган ислохотларнинг ижтимоий йўнал- тирилганлиги аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг манфаатларини тўла маънода ифодалайди. – Янги Ўзбекистон Тарақиёт стратегиясида сиёсий партиялар, парламент ва маҳаллий Кен- гашларнинг халқимиз олдидаги масъулиятини кучайтириш бўйича муҳим ташаббус ва ғоялар илгари сурилган, – деди Б.Насриев. – Уларни амалга ошириш учун барча даражадаги депутат- лик бирлашмалари, ҳудудий партия ташкилотла- ридан қатъият ва жавобгарлик талаб этилади. Тарақиёт стратегияси партия ташкилот- лари ва депутатлик бирлашмалари олдида долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни қўймоқда. Жумладан, самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назо-

ратини кучайтириш бўйича маълум муддат- ларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш лозимлиги, “Қонунчилик ҳужжатлари таъси- рини баҳолаш тизими” ва “Менинг фикрим” порталларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришда халқ депутатлари Кенгашла- ридаги партия гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотлари фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Пленум сўнггида 2021 йил давомида партия дастур ва мақсадларини кенг оммага тарғиб қилишдаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги учун маҳаллий кенгаш депутатлари ташаккур- номалар билан тақдирланди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилиниб, аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Қишлоқ хўжалигида рўйхатга олиш тадбири ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чо- ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан респуб- ликамизда 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбири амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбеки- стонда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йилнинг август ойдаи вилоятимизнинг Жомбой тумани ҳамда Тошкент ви- лоятининг Паркент туманида синов тариқасида рўйхатдан ўтка- зиш белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич (2022-2024 йиллар)да - қишлоқ хўжалик соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади.

Иккинчи босқич (2024 йил)да – бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбири бажарилади.

Учинчи босқич (2024-2026 йиллар)да – рўйхатдан ўтказиш- га доир маълумотларни қайта ишлаш, дастлабки ва якуний натижа- ларни олиш ҳамда эълон қилиш кўзда тутилган.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.



Қаловини топса, тошлоқдан ҳам даромад олиш мумкин

- **Пиёз кўчатидан 3 ойда 30 миллион топаётган аёллар.**
- **Иш жойи далада-ю, би-ринчи бор деҳқончилик учун олган оиланинг қувончи.**
- **Хориж усқунасидан олдин хонадонда ясалган ми-никултиватор.**
- **Ўрмон ёнғоғини хонадо-нида ўстираётган томорқачи.**

Ер йигитнинг ори, оиласининг кўргони, томорқа эса даромади, фаровонлиги, тирикчилиги сифа- тида қаралади. Ҳақиқатдан ҳам ерга меҳр қўйган киши учун бу сифатлар бегона эмас.

Булунғур тумани Килдон маҳалласида яшовчи Илҳом Эшонқулов 2005 йилдан буён Россияда ишлаб, оиласига пул жўнатган. 20 сотих томорқаси бўлса-да, ердан бу қадар катта даромад олишни билмаган.

– 2016 йилда 20 сотих то- морқамни ҳайдаш учун кичик ҳайдаш усқунаси ясадим, – дейди И.Эшонқулов. – Бу усқуна электр энергиясида ишлаб, ерни керакли чўқурликда шудгорлаш мумкин ва бунинг учун усқунама йилига 100 кВт соат электр сарфлайди. Ўша пайтларда хориждан бу каби миникультиваторлар ҳали кириб келмаганди. Шунда маҳалладаги қўшиларим бунинг учун патент ол, деб маслаҳат ҳам беришди. Кейин интернетдан томорқада иссиқхона ташкил этиш ва яхши даромад олиш усулини кўриб қолдим. Суриштирсам, бизда профилини қайириб бериш хизмати жуда қиммат экан, шунинг учун ўзим шундай усқуна ясадим. 2019 йилда фермер, деҳқон хўжаликла- ри ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғарма маблаглари ҳисобидан 8 фозиздан 100 миллион сўм кредит олиб, 15 сотих иссиқ- хона қурдим. Яна интернетдан корейслар қарам ва сабзини маҳ- сус усқудда экантганлигини кўриб, 8x8 ўлчамда усқуна ясадим. 15 сотих иссиқхонанинг ярмига сабзи, қолган қисмига бодринг эқдим. 7,5 сотих иссиқхонадан 6-7 тонна бодринг ҳосили олиб, бозорга чиқардим. Бодрингдан 15 миллион сўм ва сабзидан 7 мил- лион сўмдан ортиқ ортиқ даромад олдим. Такрорий экинга помидор эқдим. Ўтган йили деҳқончилик учун сув танқислиги кузатилди ва иссиқхонага томчилатиб сугориш тизимини жорий қилдим. Бу йил томорқамдаги очиқ майдонга ҳам томчилатиб сугориш тизимини ўрнатдим. Бу сувни тежаб қол- масдан, ҳосилдорликни оширишда ҳам яхши самарадорликка эга экан.

Уддабурон томорқачи чорва моллари боқиб, 40 тупдан ортиқ турли мевали дарахт, ток билан бирга, ўрмон ёнғоғи ва бошқа

ноёб ўсимликларни ҳам кўпайти- раётган экан.

Туман марказидан 30 кило- метр олисда жойлашган **Хўжа- мазгил маҳалласида** яшовчи- лар асосан картошка, пиёз ва ловия экиш билан шуғулланади. Шу маҳалладаги Нуриддин Уми- ров фермер хўжалигида деҳқон- чилик билан шуғулланади, лекин Ўз ери бўлмаганлиги туфайли доимий даромади йўқ. Маҳал- ла фаоллари бу оилани “Темир дафтар”га киритди, “E-AUKSION” дастурида қатнашиб, 10 сотих ер олишди. “Бир маҳалла - бир маҳ- сулот” тамойили асосида маҳал- ладаги 30 дан ортиқ оила бир контурга дуқкакли экин эқди. Ҳозирдан маҳсулот хариди учун шартномалар тузилиб, такрорий экинга экиладиган экинлар учун ҳам буюртмалар аниқ бўлди.

Яна бир манзилимиз туман- нинг **Эсонтурди маҳалласи** бўлди. Бу ерда томорқаларга асосан пиёз экилган. Қиш фасли поёнига етмасдан экилган пиёз кўчат ҳолида сотилганда, яхши даромад олиш мумкин экан.

– Маҳаллаиш ҳудуди асосан тошлоқ ер ҳисобланади, – дейди томорқачи Бахтиёр Тўропов. – Имониятдан келиб чиқиб, ерга мос экин танлаймиз. Февраль ойи якунига етмасдан 15 со- тих томорқамизга пиёз экамиз, кейин бошқа далага экиш учун кўчат қилинади. Асосийси, бошқа ҳудудда одамлар томорқасини экинга тайёрламаздан туриб, каттагина даромадга эга бўла- миз. Ўтган йили 1 квадрат метр пиёз кўчати 20 минг сўмга баҳо- ланганди ва 3 ойда 30 миллион сўм даромад олдик. Бу йил ҳам шунча майдонда пиёз кўчати етиштиряпмиз ва 1 гектар май- донга экамиз. Пиёзнинг гектари- дан 100 тонна ҳосил олинди ва уни энг арзон нарҳда – килогра- мини 1500 сўмдан сотганимизда ҳам 150 миллион миллион сўм даромад олинади. Пиёз кўчати- дан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида картошка, по- лиз-сабзавот экинлари экамиз.

Томорқачининг айтишича, томорқадаги экинлардан олинган ҳосилнинг барчаси ҳисоблан- майди, аммо даромад ўртача 60-70 миллион сўмдан ортади. Бу маҳаллада хорижга ишлаш учун кетаётганларни учратиш қийин.

“Қаловини топса, қор ҳам ёнади” деганлари шў бўлса керак. Тошлоқ ерда ҳам катта даромад олиш учун деҳқончилик сирлари- ни пухта ўзлаштирганлар шў ерда ҳам яхши фойдага эга бўлмақда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Бахтиёр МУСТАНОВ
олган сурат.



– Раҳматли устозимиз Аъзамхон Бахромов ташаббуси билан бошлан- ган хайрли ишлар бугун ўз натижа- сини кўрсата бошлади, – дейди туман ҳокими ўринбосари Қобилжон Тоғаев. – Шулардан бири туманимизда қу-

“ЗЕНГА-ЗЕНГАНА” НИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛЯПТИ?

Каттақўрғон туманининг биринчи сектор ҳудудидаги қишлоқлар- да аҳоли азалдан қулупнайчилик билан шуғулланиб келган. Шу пайтгача бу ерда қулупнайнинг маҳаллий навлари етиштирилар эди. 2018 йилда Польшадан келтирилган “Зенга-зенгана” навли қулупнай парваришлагга киришилди. Бир неча йил аввал яхши ниятлар билан бошланган иш бугун қай даражада самара беряпти? Шу саволга жавоб излаб, туманда бўлдик.

лупнайнинг Польшадан келтирилган “Зенга-зенгана” нави кўпайтирили- шидир. Дастлаб 2020 йилда 5 гектар майдонда кўчатзор барпо этилди ва шу йилнинг ўзида 500 гектар ерга кўчат- лар кўчириб ўтказилди. 150 гектари “Samargand qulupnay IMPEX” МЧЖга, қолган 350 гектар майдон туманимиз фермер хўжаликлари ҳисобида тўғри келади. Кўчатлар плёнка остида,

томчилатиб сугориш технологиялари асосида парваришланди. Қўлайлиги шундаки, 3 йил давомида бир жойда мева беради ва йилдан-йилга ҳосили кўпайиб боради. Шу йилнинг ўзида ҳар бир гектаридан 18-20 тоннагача ҳосил олинди. Унинг килоси ўртача 10 минг сўмдан сотилган бўлса, гектаридан 200 миллион сўм даромад олиш мумкин де- гани. Келгусида “Samargand qulupnay

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

навбатда 400 нафар болажонни қабул қиламиз, – дейди оромгоҳ директори Лазиз Пирматов. – Ҳар бир навбатга 15 нафардан тажрибали педагог, тренерлар жалб қилинади. Реконструкция қилинаётган оромгоҳимизда 4 та ётоқхона, спорт майдончаси, бассейн, маънавият зали, тўга- рақлар ҳамда ювениш хонала- ри мавжуд. Таъмирлаш ишлари якунланиши билан хоналарни жиҳозлашга киришамиз.

Эътиборимизни тортгани, оромгоҳнинг 4 гектарга тенг ҳудудида бир қарич ҳам беқор ётган жой йўқлиги бўлди. Футбол ўйнаш, дам олиш учун майдонча, концерт учун сахна дейсизми, барчаси ҳисобга олинган. “Булунғур Добил Қу- рувчи” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмир- лаш ишлари 1 июнда якунлани- ши маълум қилинди. Тойлоқ тумани Адас маҳалласидаги “Амир Темур” оромгоҳининг умумий майдо- ни 1,7 гектарни ташкил этади. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидидаги бу оромгоҳда ҳам мавсумга қизгин тайёргар-



лик кўрилмоқда.

– Оромгоҳ 2015 йилда халқ таълими тизимига ўтган, – дей- ди туман халқ таълими бўлими мудир Хуришд Хўжақулов. – Мавсум олдида бинолар жорий таъмирланди. Болажон- лар вақтини янада мазмунли ўтказиши учун сахна ташкил этилди. Ҷўмилиш хавзаси ҳам таъмирланмоқда. Биринчи навбат учун 15 нафар ходим рўйхати шакллантирилган.

Оромгоҳни кўздан кечириш жараёнида яқинда ётган ёмғир

оқибатида ётоқхона учун ажратилган хоналарнинг бир нечаси шифтидан сув ўтиб, бирида девор нураганлиги- га гувоҳ бўлди. Бунга изоҳ сўраганимизда, масъуллар бино 1968 йилда қурилган- лиги, шундан бери мукамал таъмирланмаганлигини айтиш- ди. Ҳозирда томининг сув ўтган қисми таъмирланибди.

Унда тўғарақлар учун алоҳида хона ажратилган. Оромгоҳ директори Дилором Рустамова бунинг учун бино


умумий залидаги бўш бурчак- дан жой қилишларини айтиди. Аммо болалар шовқинда бирор нимани ўргана олармикан? Қолаверса, оромгоҳ ҳовли- си фермер хўжалигининг ери билан туташиб кетган. Фермер- нинг ери қаровсиз, ўт-ўларлар ичида моллар ўтлаб юрибди. Икки ўртада девор ёки бошқа бирор тўсиқ йўқ. Фермернинг ери оромгоҳ ичигага кириб келганига таажжубланиб, масъулларни саволга тутга- нимизда, бу масала судда ҳам кўрилгани, иложсиз эканликла- рини айтишди.

Албатта, бу камчиликларни оромгоҳга жалб қилинган педа- гоғлар бартараф эта олмайди. Улар виждонан меҳнат қилиб, борини ошириб, йўғини яшириб келмоқда. Маънан эскирган бино, хоналарнинг қамлиги, фермер масаласи мутасадди- ларни ўйлантириш керак. Токи, болалар оромгоҳдан фақат яхши таассуротлар билан қайтсин.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ,
Асқар БАРОТОВ,
“Зарафшон” мухбирлари.

Севара – жаҳон чемпиони

Бухоро шахрида спортнинг қўл жанги тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда йигирмадан ортиқ давлатдан 400 нафарга яқин қўл жанги усталари жаҳон чемпионлиги учун куч синашди. Мусобақада 58 килограмм вазн тоифасида вилотимиз шарафини ҳимоя қилган 17 ёшли Севара Суюнова финалда россиялик рақибаси Элена Култуменовани енгиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.



Замонавий тилшунослик ва деривацион қонуниятлар муҳокама қилинди

Таълим тизимида яратиб берилаётган шароитлар натижасида эришаётган ютуқларимизни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Жумладан, ўзбек тилининг давлат тили мақоimini олиши она тилимизнинг изчил тараққиёти тилишига мустақкам асос яратди. Бу эътибор самарасида тилшунослик ва адабиётшуносликнинг барча тармоқларида катта-кичик илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2022 йил 31 май куни “Замонавий тилшунослик ва деривацион қонуниятлар” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Анжуманда тиллараро алоқани мустақкамлаш, миллий тил қонуниятларини аниқлаш, адабиётшуносликдаги муҳим ўзгаришлар тадқиқ ва талқин этилади, муаммолари, тил тараққиётининг келиб чиқиш қонуниятлари, когнитив, прагматик тилшунослик, замо-

навий тилшуносликда матн назарияси ва таълим услубияти масалалари, тил ва адабиёт назарияси каби мавзулар соҳа мутахассислари томонидан ўрганилади. Шуёбаларда замонавий тилшунослик ва унинг йўналишлари борасидаги қарашлар ҳақида маълумотлар берилди. Тил тизими ва лисоний фаолиятни ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ҳодисаларнинг белги-хусусиятларини батафсил ёритиш тилшуносликнинг турли соҳаларини бириктириш,

уларнинг барчаси учун бир хилда таянч нукта вазифасини бажариши лозим. Сўнгги йилларда замонавий тилшуносликда лисоний ҳодисаларнинг тилшунослик ва бошқа илмий соҳа билан биргаликда тадқиқ қилиниши долзарб бўлиб бормоқда. Бу каби ёндашувлар тил бирликларини етарли даражада ўрганишга, илмий билимлар ва янги фактлар билан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқотларга мана шу каби ёндашувлар натижасида замонавий тилшуносликда бир қанча йўналишларнинг, жумладан, деривация, психолингвистика, этнопсихолингвистика, социолингвистика ва бошқа илмий соҳалар вужудга келди.

Мафтуна ХОЛОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини ўқитувчиси, доцент.

Инсон эзгу ишлари билан ёдда қолади

Вақт ҳаммасини даволайди, дейдилар. Инсон оламдан ўтар экан, ортида қолганларнинг қалбидаги айрилик дарди ҳам енгиллашиб бораверади. Аммо шундай инсонлар борки, йиллар ўтса-да, ақинлари хотира-сидан кўтарилмайди.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳамид Маматқулов бугун ҳаёт бўлганида 82 ёшга тўлган бўларди. Домла 1940 йилнинг августда Жиззах туманида зиёлилар оиласида дунёга келди. 1957 йилда 8-ўрта мактабни тугатиб, шу йили Самарқанд давлат тиббиёт институтининг талабаси бўлди. Талабалик йилларидан бошлаб институтнинг болалар касалликлари кафедрасида илмий тўғаракларда фаол қатнашди. 1963 йилда институтни тамомлагач, икки йил Жиззах туманида Тоқчилик қишлоқ участка шифохонасида даволловчи врач бўлиб ишлади. Сўнгра қадрдон институтининг болалар касалликлари кафедрасида аспирантурада таҳсил олди. 1970 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳ.Маматқулов 1969-1976 йилларда болалар касалликлари кафедрасида ассистент, доцент, кафедра мудири бўлиб меҳнат қилди.

Домла 1980-1983 йилларда иккинчи Москва тиббиёт институтида докторантурани ўтаб, 1985 йилда академик В.А.Таболин раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991 йилдан бошлаб педиатрия факультети декани, 1996 йилдан институт проректори лавозимларида фаолият кўрсатди. 17 йил давомида педиатрия кафедрасига мудирлик қилди. Ҳ.Маматқуловнинг илмий изланишлари асосан болалар орасида кенг тарқалган ревматизм ва ўпка-бронх касалликларининг этиопатогенези, клиник манзарасини ўрганишга, янги даволаш ва профилактик усуллари, технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган. Унинг бу йўналишдаги 250 дан зиёд мақола,

45 та услубий қўлланма, 4 та ихтиро, 48 дан ортиқ рационализаторлик тақлифлари ҳамда 3 та монографияси тиббиёт илмини ўрганишда талабаларга асқотмоқда. Ҳ.Маматқулов тиббиёт соҳасида ўз мактабини яратган олимлардан саналади. Унинг раҳбарлигида 2 та докторлик ва 17 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Домлани ўзи истиқомат қилган маҳалладагилар ханузгача хурмат билан ёдга олишади. У ҳатто ярим кечаси касал боласини қўлига кўтариб келган маҳалладошларини қабул қилиб, даволашга ҳаракат қиларди. Касаллигига тўри ташхис қўйиб, тиббий тавсия ва маслаҳатларини беришдан эринмасди. Республикамизнинг кўплаб врач-педиатрлари, институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалар ва шогирдлари устоз Ҳамид Маматқуловнинг илмий ишларини давом эттириб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Лола МУҲАММАДИЕВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети доценти,
тиббиёт фанлари доктори,
Дилрабо МАМАТҚУЛОВА,
тиббиёт фанлари
номзоди, доцент,
Нафиса Тўраева,
доцент.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

№	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нарх (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охири муддати
1	Собиқ сувчилар дам олиш биноси	Каттакўрғон тумани ҳокимлиги	Каттакўрғон тумани “Болтабек” МФЙ	0.20	196.0	88 130 000,0	27.06.2022 й.	27.06.2022 й.
2	Бўш турган бино ва иншоотлар	Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмаси	Пахтачи тумани “Қиргули” МФЙ	0.132	206.44	126 100 000,0	27.06.2022 й.	27.06.2022 й.
3	Бўш турган пилла қабул қилиш пункти биноси	Пахтачи тумани ҳокимлиги	Пахтачи тумани «Хунарманд» МФЙ	1.17	411.77	282 670 000,0	27.06.2022 й.	27.06.2022 й.
4	Бўш турган гараж биноси	«ПСУЕАИТИ Самарқанд ИТС» (Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнология илмий-тажриба институтини)	Оқдарё тумани “Пахтаобод” МФЙ	2.44	3294.76	3 147 051 000,0	27.06.2022 й.	27.06.2022 й.
5	Собиқ маъмурий бино, устакхона ва оմборхона	Оқдарё тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙ	0.46	1452.32	2 106 817 000,0	27.06.2022 й.	27.06.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

- ушбу объектларни “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auksion.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auksion.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказидан ёки “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш тартиби:

- рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auksion.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб, ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос тақдорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатига аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосига қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий кабинет”ига ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

- иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар e-auksion.uz сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”ига кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 10:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида

тартиб рақами берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича тақлифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар тақлиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги тақлифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар тасдиқланган охириги тақлифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича тақлиф аукцион иштирокчиларининг биронтаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича тақлифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион қилиб деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига қолиб қолган баённомаси тасдиқланади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича қолиб қолган баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд

вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай, олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг қолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Қамол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими).

Маълумот учун телефонлар:

(66) 233-96-64, (99)-447-17-70

Факс: (66) 233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

Самарқанд шаҳридаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ганиева Шаҳризода Абдуазизовна номига берилган ТМ-А № 0032005 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 77-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати (ҳозирги Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидagi 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати) дан 2007 йилда Оминов Муҳаммад Равшан ўғли номига берилган У № 2532483 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ганиева Шаҳризода Абдуазизовна номига берилган ТМ-А № 0032005 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 38-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Жумаев Нарзулло Хикматиллоевич номига берилган О' Р-2 № 516679 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Асланов Хасан Хожа-Қурбонovich номига берилган О'Р-А № 1744352 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейидан 2021 йилда Шамуратов Бобомурод Фарход ўғли номига берилган рўйхат рақами 154, L № 0044140 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2022 йил 21 апрелда Чулиева Сабот Бозоровна номига берилган рўйхат рақами 8318, 738 рақамли (терапевт мутахассислиги бўйича малака ошириш) сертификати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Холжигитова (ҳозирда Тоғаева) Маруза Умаровна номига берилган О'Р-А № 1485719 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд енгил саноат касб-хунар коллежидан 2007 йилда Дабирова Севара Хасановна номига берилган рўйхат рақами 24, К № 664545 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Нориев Исрофил Юсупович номига берилган О'Р-А № 1075148 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 80-мактабдан 1999 йилда Нориев Исрофил Юсупович номига берилган О'Р-2 № 620470 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Челак қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2014 йилда Қўзиёев Баҳромжон Давкарбой ўғли номига берилган рўйхат рақами 153, К № 3202797 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Эрматов Жамолдин Мустафоқул ўғли номига берилган У № 4303165 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Исмом Юсуф Шадиевичга (2021 йил 27 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Нурматов Робия Насимовнага (2007 йил 23 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Георгий Роза Арамаковнага (2019 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Георгий Роза Арамаковнага (2019 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Абдусаломов Абдусатторга (2017 йил 24 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Бултакоев Арслонбойга (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пайриқ туманидаги «ISMOIL SODIQJON O'G'LI AL MUMTOZ IBODOV» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305211517) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Ўташова (Бахтигул) Боғдагул Сафарбой қизи номига берилган У № 4260207 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Юсупова Фарангиза Қурбоналиевна номига берилган У № 2491110 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Хўжа Абду Дарун мажмуаси янгиланмоқда

Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги кўплаб муқаддас қадамжолар орасида Хўжа Абду Дарун мажмуаси алоҳида ўрин тутати. VIII– IX асрларда яшаб ўтган, мутасаввуф олим, диний ва дунёвий илмлар эгаси бўлган Хўжа Абду Дарун ҳазратларининг ҳоки пойи қўйилган ушбу даргоҳ XII асрдан буён мавжуд. Мақба- ра Самарқанднинг қадимий девори – Девори қиёматнинг ичкари томонида жойлашган учун Абду Дарун номини олган.

Хўжа Абду Дарун хали- фа Усмон авлодидан, фикҳ ва тасаввуф олими эди. “Қандия”да келтирилишича, “Ҳазрати Шайх Абу Мансур Мотуридий айтган эканлар- ки: “Бизнинг вафотимиздан кейин Ҳазрати Хожа Абду Даруннинг яқинларига дафн этингким, ул киши ярим фарсаҳ ергача атрофидаги- ларни ўз химояларига олиб шафоат қилурлар ва биз ул кишининг шафоатларидан махрум бўлиб қолмайлик”.

Манбаларда кўрсатили- шича, аллома милодий 861 йилда вафот этган.

XIX асрда мақбара ҳовлисининг ғарб томони- га пешайвонли масжид ва мадраса қурилган. Пештоқ ва девор нақшлари орасида масжидни бунёд этган меъ- мор ва нақшкорлар номлари ёзилган ҳамда қурилиш тугалланган вақт 1908-1909 йиллар экани кўрсатилган.

Ушбу мажмуа ичида ҳовуз бўлиб, муаррихларнинг таъ- кидлашича, ҳовуз чаммадан сув олган. Ёши улуг инсон-

ларнинг айтишича, унинг атрофидаги уч юз йиллик тўртта чинор мақбара бино- сини намликдан сақлайди.

Мажмуадаги масжид 1981 йилдан буён расмий фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда ушбу масжид тўлиқ янгидан кенгайтирилиб, қайта қуриляпти. “Вақф” фонди томонидан мажмуа- нинг мақбара қисми таъ- мирланган бўлса, маҳаллий аҳоли, саховатпеша инсон- ларнинг кўмағида етти минг намозхонни сиғдира олув- чи, миллий меъморчилик андозалари асосидаги катта масжид барпо этиляпти. XV асрда бунёд этилган обидага монанд бино гўмбазини на- манганлик ва самарқандлик усталар қўрқати.

Самарқанд зиёрат туризмнинг муҳим манзил- ларидан бири бўлган ушбу мажмуа тез орада бутунлай янги қиёфа касб этиб, обод масканга айланади.

Восеъ ҚОБУЛОВ, тарихчи, Сарвар БОБОЕВ.

Қадрлини қадрланг

Мен 82 ёшдаман. Албатта инжиқлигу нозик- лигим ҳам ана шу ёшга муносиб. Зеро, иззат- талаблик ҳам қариликнинг бир қўриниши.

Демокчиманки, биз одамларнинг ёшига қараб муносабат қилишни ўрганишимиз зарур. Айтайлик, ёш болага ноўрин ҳазил ёки ёлгон гап айтсангиз, аввало ундан “самийий” дак- ки эшитасиз. Ёки унинг ишончини йўқотасиз. Аза либосида- ги, ёхуд ҳомилдор аёлларга ҳурмат бажо келтириш халқ- имизнинг, динимизнинг суннати. Ногиронларга ҳам шундай меҳрибон бўлишимиз зарур.

Бироқ бугунги ҳаётий жараёнларда ана шу қадриятларнинг аксини кўрапмиз. Эътибор қилган бўлсангиз, шикоятчилар- нинг, арз қилаётганларнинг катта қисми кексалар, ногиронлар, аёллар ва боқувчисини йўқотганлардир. Демак, биз энг аввало, динимизда, халқимиз қадриятларида белгиланган таомилларга амал қилиб, қадрлини зарур бўлган одамларнинг қадрига етишимиз зарур. Бинобарин, давлатимиз раҳбари айнан ана шу мақсад учун шунчалик катта имкониятлар яратиб беряптики, бу ишни қилмаганлар ўз-ўзидан уялиши керак.

Турди ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси.

Атрофи Оқтов ва Қо- ратов билан ўралган Қўшрабботнинг Қовунчи маҳалласида Иноят дўх- тир номи билан машҳур бўлган фидойи инсон истиқомат қилади.

Касби шифокор бўлишига қа- рамай, Иноят Арқаев ҳудуд одам- ларининг дарду ташвишига доимо шерик. Қаерда, қанақа муаммо бўлса, қаҳрамонимиз ўша ерда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида ҳозир у нозир.

– Иноят дўстим билан фаҳр- ланамиз, – дейди 50-умумтаълим мактаби директори Суннатилла Холбоев. – Қишлоқда қимдир оғриб қолса, дарров Иноят уларнинг жонига оро қиради. Тиниб-тинмаслиги, меҳнатсевар- лиги, касбига садоқати, ҳалол- лиги боис уни депутат қилиб сайлаганимиз.

Қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳоли бошқа одамларникидан де- ярли фарқ қилмайди. У 1962 йил- нинг 28 май куни Қўшраббот туман- нининг Ҳайтанбулоқ қишлоғида туғилди. Отаси Карим ака Ик- кинчи жаҳон уруши қатнашчиси, жуда меҳнатсевар, талабчан одам эди. Онаси Назифа она чевар, зукко аёл бўлиб, оилада тўрт қиз ва икки ўғил воёга етди.

Қўшрабботнинг қўш орденли шифокори

– Оғир, тирикчилик қийин бўлган йилларда ота-онам ўзи- нинг ҳалол меҳнати билан биз- ларни боқиб катта қилди, – дейди Иноят ака. – Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ота-онамиз бер- ган тарбия ва дуолари туфайли- дир.

Иноят ёшлигидан тиббиётга кизикди. Ана шу қизиқиш уни қишлоқдаги ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагандан сўнг 1980 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиат- рия факультетига етаклади. Институтда олий маълумот олган ёш мутахассис бир муддат Са- марқанд шаҳридаги 1-болалар касалликлари шифохонасида меҳнат фаолиятини бошлади.

Сўнгра қарийб 9 йил даво- мида И.Арқаев тумандаги Очил Қодиров номли қишлоқ врачлик пунктида болалар шифокори бў- либ ишлади. Ҳозир эса Қовунчи маҳалласида жойлашган оила- вий шифокорлик пункти мудури. Айни пайтда бу шифо масканида 40 киши меҳнат қилади.



Иноят Арқаевнинг оиласини шифокорлар оиласи, десак мубо- лага бўлмайди. Негаки, турмуш ўртоғи Уролой опа ҳам ҳаётини шу соҳага бағишлаган инсон. Фарзандларининг фаолияти ҳам тиббиёт билан боғлиқ.

Шунинг учун улар хусусий шифохона очишни ҳам режа- лаштирган.

– Яқинда Президентимизнинг соҳа ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотини ҳаяжон билан кузатиб бордим, – дейди И.Арқа- ев. – Унда тилга олинган маса-

Китобингизни ўқидим

"Шамол йўли"ни "Таранум" этиб

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Жумагул Сувоновага!

"Таранум" ва "Шамол йўли" китобларингиз тақдиротида иштирок этдим. Самарқанд давлат университетининг кутубхонаси ижодкорлар, олимлар, шеърят, адаби- ёт ихлосмандлари билан тўлди. Бу адабиёт байрами, шеърят, дийдор байрами.



вақт оралиғида ижод намуна- ларингиз бир неча тилларда Ҳиндистон, АҚШ ва Испанияда чоп этилди. "Оромсиз оқшом- лар" китобингиз АҚШда инглиз тилида чоп этилиб, китоб- хонлар қўлига етиб борди. Ҳиндистонда "Янги аср шеъри- яти" антологияси ҳамда АҚШда шоир ва ёзувчилар сайёраси антологиясидан ўрин олганин- гиздан фахрландим.

Бир муҳлис сифатида ижодин- гизни жуда қадрлайман. Шеърларингизни ўқиган киши борки, шоира "менинг дардимни ёзибди", дейиши тайин.

Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг, Шайтон товоғига қўлин солади. Дастурхон бошида дадасин излаб, Ё ўгли, ё қизи йиллаб қолади...


Эсимда, шундай мисралар билан бошланувчи ашула янгради дегунча юзларимиз марварид том- чиларда ювиладди. Худди бизни отасиз ҳаётимиз- ни кўриб тургандай, тасалли бериш учун онамга, бизга атаб ёзгандайсиз. Дастурхон атрофида йиллаб турганларимиз, ҳар тонг суратига салом беришлар тонгдаги дуолар билан ўрин алмашди. Лекин ҳар сафар "Еганин ош деманг"ни эсласам, ўтмишимиз кўз олдимда гавдаланаверади.

"Ёлғиз аёл" шеърини ёзгунча бағри дилингиз ёнгани, қоврилган қалбингизга таскин топа олмай, минг бир азоблар исканжасида тилкаланганингиз, ўша ҳолатда ҳам матонат билан жасорат топанганингизга тасанно айтаман. Фарғонадаги сафаримизда онажо- нимга тақдирдош аёл, халқимизнинг севилими санъат- кори Охунжон Мадалиевнинг рафикаси Ҳабибахон опа билан суҳбатда изтироб, охлари билан ёзилган ўша ашулани кўз ёш билан хотирлаганларига гувоҳман.

Жумагул опа! Халқ назарида, элдошлар эъти- рофидан кўксингиз осмон билан бўйлашиб юрсин. Умидингиз боғлари завоқ кўрмасин!

Азиза БОЙМУРОВА, Каттакўрғон тумани.

Муштарий илҳоми



Тўртликлар

Кексаликнинг неъматини – таскин, Хуш ёқадир бундайдан ҳолат. Лекин асло унутма, дўстим, Машаққатдан келур ҳаловат. * * *

Кимда бўлса инсоф, диёнат, Юрту дўстга қилмас хиёнат. Нафсга эрур қаноат посбон, Ақлингга-чи, виждон ҳимоят.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани.

Ўнимиздаги одамлар

туман маркази билан боғловчи йўл, уни кесиб ўтувчи канал устидан ўтган кўприк бевоеси- та унинг саъй-ҳаракати билан таъмирланди. Аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, оила- вий шифокорлик пункти қошида тез тиббий ёрдам бўлими ишга тушди. Уч километрлик масофа- даги тоғдан сув тармоғи тортиб келиниб, шифо маскани атрофи ободонлаштирилди, 200 туپдан зиёд мева, манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Инсон саломатлигини сақлаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш йўлида кунни тунга улаб одамларнинг соғлиғига эътибор ошяпти.

Мулоқотда айтилган гаплар- нинг илк исботи сифатида яқинда шифокорларнинг ойлик маоши оширилди. Бу ўзгаришлар бир оддий врач сифатида менга катта куч ва илҳом бағишлади. Ушбу эътибор ва ғамхўрликка жавобан қишлоғимизда оилавий шифохо- на очишга қарор қилдик.

Иноят Арқаев нафақат ши- фокор, балки туман Кенгаши депутати сифатида ҳам одам- ларни қийнаб келаётган кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишда бош-қош бўляпти. Жумладан, маҳалладаги қатор қишлоқларни

И.Арқаевнинг ҳаёт йўлини кузатар эканман, ҳалол меҳнат, покиза ният, оилага садоқат билан орзулари рўёбига интилган инсон албатта, мақсадига етажа- гига ишонч ҳосил қилдим.

Ёрнамат РУСТАМОВ.

“Нихол” совриндори



Мақомни дунё санъаткорлари тан олган

Самарқанд давлат университети спорт фаолияти ва санъат факультети талабаси Диёра Жафарова “Нихол” давлат мукофотида сазовор бўлди.

Диёра болалигидан санъат- га меҳр қўйди. У асосан, поп ва жаз йўналишидаги русча ҳамда инглизча қўшиқларни севиб тингларди. Ўзи ёқтирган қўшиқ- ни тезда ёдлаб олар ва хиргойи қилиб юрарди.

– Онамнинг тоғаси, устоз санъаткор ўқтам Яхёев ҳамда отамнинг амакиваччаси раҳмат- ли Жаҳодбек Козимовга хавас қилганман, – дейди Д.Жафара- ва. – Аммо тўғриси айтишим керак, миллий мумтоз ашулаларни қуйлаш, аниқроғи, бунинг улдаси- дан чиқиб қийин деб ўйлардим.

Коллежни битириб, шаҳримизда кўзи ожиз фуқароларга хиз- мат кўрсатадиган 8-сон махсус маданият маркази раҳбари Зоҳид Салимов билан танишиб қолдим. У кишининг имконияти чекланган бўлса-да, мусиқа асбобларидаги ноталарни қалб кўзи билан кўриб, қуй чалиши мени ҳайратга солди. Устознинг миллий мумтоз йўнали- шига бўлган меҳрини кўриб, мен- да ҳам мақомга қизиқиш ўйғонди. – 2017 йилда маданият мар- казимиз қошида мақомчилар тў- гарагини ташкил қилдик, – дейди Зоҳид Салимов. – Нафақат кўзи ожизлар, балки соғлом ёшлар ҳам қатнашиши мумкин бўлган бу тўғаракка 2018 йилда Диёра аъло бўлди. У асосан, эстрада йўнали- шига қизиққанлиги учун мақомни эпполмас керак, деб ўйлагандим. Аммо бир куни у менга “Тановар”- ни қуйлаб берди. Эшитиб, бу қиз- га катта умид боғладик. Тинимсиз меҳнати туфайли қисқа фурсат- ларда кўплаб ютуқларга эришди ва ишончимизни оқлади.

Диёра эстрада йўналишида ижод қилишни тўхтатиб қўйга-

ни йўқ. Хусусан, турли хорижий тилларда қўшиқларни маромига етказиб қуйлайди.

– Биз ўзбеклар, хорижий тил- ларда “поп” ва “жаз” йўналишида- ги қўшиқларни маромига етказиб қуйлашимиз мумкин экан, – дей- ди Д.Жафарова. – Аммо миллий мумтоз ашулаларни қуйлаш осон эмас. Буни дунёнинг таниқли санъаткорлари тан олган.

Диёраҳонинг санъатга бўл- ган меҳри ва тўғаракда олган сабоқлари уни Самарқанд давлат университетида етаклади. У “Қўйла, ёшлигим”, “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Шоу талантов” каби бир қатор нуфузли танлов- ларда фаол иштирок этди. 2018 йилда ўтказилган “Ботир Зокиров санъати давомчилари” танло- вининг республика босқичида 3-ўринни қўлга киритди. Мада- ният ва санъат ходимларининг бу йилги касб байрамида “Нихол” мукофоти Диёра учун қўтилмаган совға бўлди.

– Танловнинг шаҳар ва вилоят босқичларида ғолибликни қўл- га киритдим, – дейди у. – Аммо республика босқичида мамлака- тимизда истеъдодли ёшлар кўп эканлигини билган ҳолда хавотир- да эдим. Бор имкониятдан фойда- ланиб, тайёргарлик кўрдим. Тан- ловда муайяндасан асарлардан бири – “Орази навом” ашуласини ижро этдим. Қўлга киритган мукофотим бир меники эмас, устозларимники. Бугунги кунда мақом йўналишида ўргатган билимларимни келгуси- да шоғирдларимга етказса олсам, улар эса кейинги авлодга етказса, шу – менинг ютуғим бўлади, шу – менинг мақсадим.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 511 nusxada chop etildi. Buyurtma 343. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda